

**Ўқувчини психологик қўллаб-қувватлаш учун ота-онанинг (қонуний
вакилларнинг) розилиги**

Мен, _____

Ота-онанинг (қонуний вакили) тўлиқ исми

мактаб психологининг фарзандим

Боланинг тўлиқ исми, синфи

билан индивидуал ва гуруҳ машғулотларини ўтказишига розилигимни бераман.

Ўқувчига психологик қўмак қуйидагиларни ўз ичига олади:

- психологик диагностика (агар керак бўлса, натижаларни мен билан келишган ҳолда);

- боланинг ривожланиш ва коррекция дарсларида иштирок этиши;

- боланинг ёши ва психо-эмоционал ривожланишига мос келадиган профилактика ва тарбиявий тадбирлар;

- боланинг мулоқот қобилиятларини ривожлантириш, ўз-ўзини тартибга солиш, мослашиш ва ёшга боғлиқ ҳамда мактабдаги қийинчиликларни олдини олиш дастурларида иштирок этиш;

- ота-оналарга маслаҳат бериш (ихтиёрий).

Психолог қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- ота-оналарнинг (қонуний вакилларининг) илтимосига биноан болани психологик ўрганиш натижалари бўйича маълумот бериш;

- бола ва унинг ота-онаси (қонуний вакиллари) билан индивидуал суҳбат давомида олинган шахсий маълумотларни ошкор қилмаслик.

Махфийлик қуйидаги ҳолларда бузилиши мумкин:

1. Агар бола ўзига ёки бошқаларга жиддий зарар етказиш нияти ҳақида хабар берса;

2. Агар бола унга ёки бошқаларга нисбатан зўравонлик ҳақида хабар берса;

3. Индивидуал иш материаллари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан сўралганда.

Бундай ҳолатлар ҳақида сизга хабар берилади.

Ота-оналар (қонуний вакиллар) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

• ўзини қизиқтирган масалада мактаб психологига мурожаат қилиш;

• мактаб психологига таълим ташкилоти директори номига аризани тақдим этиш орқали ўқувчини психологик қўллаб-қувватлашни (ёки унинг алоҳида таркибий қисмларини) рад этиш.

Менга, бу машғулотлар махфийлик, боланинг шахсиятини ҳурмат қилиш тамойилларига риоя қилган ҳолда, унинг ўқув ютуқларини баҳоламасдан ўтказилиши тушунтирилди.

" _____ " _____ 202__ йил.

Ота-онанинг (қонуний вакилнинг) имзоси _____